

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА
НОМАҚБУЛ ДАЛИЛЛАРНИ ЖИНОЯТ ИШИДАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАШ
АСОСЛАРИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ
(ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ БОСҚИЧИ МИСОЛИДА)**

С.Н.Эсаналиев

Ўзбекистон Республикаси

Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

кафедра ўқитувчиси ю.ф.ф.д (phD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18557629>

Амалдаги ЖПКнинг 81-моддасига кўра «ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши, бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши»¹ қайд этилган.

Жиноят процессида далиллар шахснинг айбдор ёки айбсизлиги борасида алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, «мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас»².

Амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасига кўра «айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли эканлиги, илтимоснома жиноят иши судга айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан бирга юборилганидан кейин, айблов далолатномасининг ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкинлиги» қайд этилган. «Илтимосноманинг кўчирма нусхаси айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек, жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда»³ юборилиши қайд этилган.

Амалдаги қонунчилигимизда номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариб ташлаш ҳақидаги илтимосномада:

- «*тараф чиқариб ташланишини илтимос қилаётган далил;*
- *далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш учун Жиноят-процессуал*

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

кодексида назарда тутилган асослар»⁴ баён этилиши лозим.

Дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида илмий манбаларда бир қатор қарашлар илгари сурилган.

Г.М.Резникнинг таъкидлашича, «далилнинг номақбул деб топилиши нафақат унинг ноқонуний манбадан олинганида, балки фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жиддий бузилишига олиб келган ҳолларда ҳам йўл қўйилади»⁵. Мазкур фикрга қўшилиш мумкин. Сабаби, «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Олий суди Пленумининг⁶ Қарорига кўра «мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас»⁷. Масалан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан амалдаги ЖПКнинг талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида олинган далиллар номақбул деб топилиши мумкин.

Э.А.Долянинг фикрича, «агар далилни олишда қонун талаблари бузилмаган бўлса, далилни номақбул деб ҳисоблаш баҳсли бўлиб туюлади»⁸. Билдирилган фикрга қўшилиш мумкин. Сабаби, далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида «тегишли субъект томонидан процессуал қоидаларга қатъий риоя этилган ҳолда амалдаги ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлса мақбул ҳисобланади»⁹.

Бизнингча, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Лекин, дастлабки эшитув босқичида далил ҳар доим ҳам номақбул деб топилмаслиги ва бу айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилмаслиги мумкин. Масалан, тарафларнинг бу борада тегишли илтимоснома билан судга мурожаат қилмаслиги ёки гувоҳларнинг айбланувчига қарши берган кўрсатувларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бундан ташқари, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни чиқариб ташлаш қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этсада, айрим ҳолларда жиноят ишларининг самарали текширилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби тўлиқ мавжуд бўлган ҳолатда жиноят иши

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

⁵ Резник Г.М. Внутреннее убеждение при оценке доказательств. М., 1977. С. 27.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида». Тошкент ш., 2018 йил 24 август, 24-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида». Тошкент ш., 2018 йил 24 август, 24-сон.

⁸ Научно-практический комментарий к УПК РФ 1 Под общ. ред В. М. Лебедева. М., 2002. -С. 166.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида». Тошкент ш., 2018 йил 24 август, 24-сон.

бўйича далилларни олишда процессуал хатоларга йўл қўйилиши натижасида далилларни жиноят ишидан чиқариб ташланиши исботлаш жараёнини қийинлаштириши мумкин.

Қарашимизча, дастлабки эшитув босқичида далилларни номақбул далил сифатида жиноят ишидан чиқариб ташлаш борасида ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Чунки, барвақт мазкур тўхтамга келиш кейинги суд босқичларида ишнинг асл моҳиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиши мумкин.

О.Ю.Гурова «тарафлар далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалага қайта-қайта қайтиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли, бундай илтимосномалар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида кўриб чиқилиши мумкин эмас»¹⁰ деб таъкидлаган. Мазкур фикрга қисман қўшилаемиз. Ҳақиқатда, амалдаги ЖПК талабларига кўра, тарафлар далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масала юзасидан тегишли илтимосномалар билан қайта-қайта судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжуд. Лекин, олимнинг бундай илтимосномалар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашларини мунозарали деб биламиз ва бу амалдаги ЖПК талабларига ҳам зид ҳисобланади. Масалан, суриштирув, дастлабки тергов босқичида тергов ҳаракатлари амалдаги ЖПК талабларига зид равишда ўтказилган ҳолларда олинган далилларнинг номақбуллиги аниқ кўриниб турган ҳолатда ишни тайинлаб кейинги босқичларда кўриш қанчалик ўринли деган савол туғилиши табиий албатта. Қарашимизча, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариб ташлаш процесс иштирокчиларига муайян маънода енгиллик яратиши мумкин.

С.В.Марасанов юқоридаги фикрга қарши фикр билдириб, «жиноят иши судга юборилгандан сўнг далилларни номақбул деб топиш ҳақидаги илтимосномалар фақат дастлабки суд мажлисида муҳокама қилиниши мумкин»лигини таъкидлаган¹¹. Билдирилган фикрга қисман қўшилишимиз мумкин. Сабаби, жиноят ишида мавжуд бўлган далилларнинг мақбуллиги айнан дастлабки эшитув босқичида муҳокама қилиниши орқали кейинги суд муҳокамаси босқичларида ишни кўриб чиқишни мураккаблаштирувчи ҳолатлар олди олиниши мумкин. Тўғри, муайян маънода жиноят ишини кўриб чиқиш давомида тарафлар томонидан далилларни номақбул деб топиш тўғрисидаги илтимосномалар такроран берилавериши суд жараёнини сунъий равишда чўзиши ва унинг самарадорлигини пасайтириши мумкин. Лекин, дастлабки эшитув босқичида далилларнинг мақбуллиги масаласини ҳал этиш, суд жараёнини самарадорлигига хизмат қилади. Олимнинг юқорида билдирган фикрга қисман қўшилишимизнинг сабаби шуки, жиноят иши судга юборилгандан сўнг далилларни номақбул деб топиш ҳақидаги илтимосномалар фақат дастлабки эшитув босқичида муҳокама қилиниши мажбурий бўлса, кейинчалик умумий суд муҳокамалари давомида тарафларнинг илтимоснома бериш ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

¹⁰ Гурова О.Ю. Теоретические и практические проблемы назначения судебного заседания по уголовным делам. Автореф. Дис...канд. юрид. наук. Екатеринбург. 2005. -С. 18.

¹¹ Марасанова С.В. Организационные и процессуальные проблемы деятельности суда присяжных // «Черные дыры» в Российском Законодательстве. 2002. № 4. -С. 390.

Масалан, суд муҳокамаси давомида ҳар бир тараф далилларнинг мақбуллигини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимоснома тақдим этса, мазкур ҳолатда суд адолатсиз қарор қабул қилишига олиб келиши мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасининг еттинчи қисмида «ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқирилиши» мумкинлиги¹² қайд этилган.

П.А.Лупинская¹³ ҳамда Е.А.Брагинлар¹⁴ юқорида келтирилган олим С.В.Марасанов фикрларига қарши *«дастлабки суд муҳокамасида далилларни шошилинч равишда чиқариб ташлаш нотўғри, чунки суд муҳокамаси пайтида улар моҳиятан синчковлик билан ўрганилиши ва шундан кейингина улар тўғрисида қарор қабул қилиниши керак»* деб фикр билдирган. Далилларни синчковлик билан таҳлил қилиш зарурияти нуқтайи назардан юқоридаги қарашга қўшилиш мумкин. Ҳақиқатда, далиллар ҳақида шошилинч қарор қабул қилиш мунозарали бўлиши мумкин, чунки ҳар бир далил ишнинг моҳиятига таъсир қилувчи муҳим маълумотларни ўз ичига олган бўлиши мумкин. Далилларнинг мақбуллиги фақат дастлабки суд муҳокамасида эмас, балки умумий суд муҳокамаси жараёни давомида таҳлил қилиниши муҳим. Масалан, агар ишдаги далиллар суд муҳокамаси пайтида синчковлик билан ўрганилмаса, ҳақиқийликка шубҳа туғдирувчи далиллар ҳам қонунга хилоф равишда қабул қилиниб, ишнинг нотўғри ҳал қилинишига олиб келиши мумкин.

Амалдаги ЖПКга кўра «агар суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотиши ва у ҳукмга ёки бошқа суд қарорига асос бўлиши, шунингдек суд муҳокамаси жараёнида бу далилни текшириш ва ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги қайд этилган»¹⁵.

Амалдаги ЖПК талабига биноан, тарафларнинг далилларни «қонунга хилоф усуллар билан ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ёхуд ЖПК талабларини бузган ҳолда олинганлигига асосланган ҳолда уларни чиқариб ташлаш тўғрисида»¹⁶ киритилган илтимосномаси асослар мавжуд бўлган тақдирда судья томонидан қаноатлантирилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли Қарорининг 1-банди 3-хатбошида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

¹³ Лупинская П.А. Доказательства и доказывание в новом уголовном процессе // Российская юстиция 2002. №7. –С. 5.

¹⁴ Брагин Е.А. Процессуальный порядок и правовые последствия признания доказательств недопустимыми в российском уголовном процессе: Дисс.канд.юрид.наук. Челябинск, 2003. –С. 38.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>

йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши назарда тутилган»¹⁷. Дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш масаласи жиноят процессуал қонунчилигида муҳим аҳамият касб этиб, бу айбланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли суд жараёнини таъминлашга хизмат қилади.

Статистик маълумотларга қараганда, амалдаги ЖПКнинг 405³-модда, 2-қисми, 5-банди яъни номақбул далилларни чиқариб ташлаш бўйича 2021 йилда 20 та иш бўйича (35 нафар шахс), 2022 йилда 17 та иш (22 нафар шахс), 2023 йилда 16 та иш (26 нафар шахс) 2024 йилда 22 та иш (31 нафар шахс) бўйича судлар томонидан дастлабки эшитув ажримлари чиқарилган¹⁸.

Таҳлиллар судлар томонидан мазкур масалада киритилган илтимосномаларнинг кўриб чиқилишида дастлабки эшитув институти имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги, далилларнинг тўпланишида қонун талабларига риоя қилинганлиги юзасидан киритилган илтимосномаларнинг рад этилиши сабаблари асослантирилмаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, жиноят ишлари бўйича Жалақудук туман суди томонидан иш юритувидаги ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбланган Т.Р.га нисбатан жиноят иши юзасидан адвокат Д.Э. томонидан тергов ҳаракатлари давомида ёзма далил деб эътироф этилган Андижон вилоят ИИБ ЭКБнинг кимёвий экспертиза хулосаси ва стенограмма матнларини номақбул далил деб топиш ҳақидаги илтимосномага асосан 2021 йил 16 декабрь куни дастлабки эшитув ўтказилиб, илтимоснома рад қилинган.

Бироқ, суд қарорида далилни номақбул деб топиш юзасидан киритилган илтимоснома борасида *тарафларнинг фикри, бу борада прокурорнинг қарши эътирози (агар билдирилган бўлса) қайд қилинмаган бўлиб, илтимосноманинг рад қилинишига асос бўлган ҳолатлар ёритилмаган.*

Фикримизча, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилни чиқариб ташлаш тўғрисида илтимосномага эътироз бўлса, қарши тараф эътирозини ёзма ва асослантирган ҳолда судга тақдим этиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти мисолидаги таҳлилларимиздан маълум бўладики, номақбул далилларни истисно қилиш қондаси баъзи ҳолларда суд жараёнининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши, бу амалиёт далилларнинг асосий қисми истисно қилиниши натижасида адолатли қарор чиқаришга тўсқинлик қилиши мумкин.

Сабаби, жиноят ишида номақбул деб топилган далиллар баъзан умумий суд муҳокамасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасининг «б-қисмига кўра, ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида». Тошкент ш., 2018 йил 24 август, 24-сон.

¹⁸ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2024 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси биринчи ўринбосарининг 04.02.2025 йилдаги 07-13/25-3143-сонли алоқа хати.

илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкин»¹⁹.

Тўғри, далилни жиноят иши материалларидан чиқариб ташлаш масаласини судья тарафларнинг илтимосномаси асосида ҳал этади, баҳолайди, зарурат бўлса, гувоҳларни кўрсатма бериш учун чақириб, жиноят иши материалларини текширади ва далилни чиқариб ташлаш ҳақидаги илтимосни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида ҳулосага келади.

Бироқ, амалдаги ЖПКда «илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи процессуал жиҳатдан тартибга солинмаган.

Фикримизча, қонунчиликда дастлабки эшитув босқичида номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни кейинчалик умумий суд муҳокамасида мақбул деб топиш»²⁰ тартиб-таомилларини қатъий белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома бўйича бир жиҳатга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Яъни амалдаги ЖПКнинг 405³-моддасига кўра «тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиши қайд»²¹ этилган. Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасига кўра «айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли»²² эканлиги баён қилинган. Мазкур ҳуқуқ нормасида дастлабки эшитув фақатгина тарафларнинг илтимосномасига кўра ўтказилиши, лекин суднинг бу борадаги ташаббуси қайд этилмаган. Бизнингча, мазкур қоидаларни такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддаси биринчи қисмидаги «Айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли» деган жумлани «Тарафлар жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ёки суднинг ўзи бу борада ташаббус кўрсатишга ҳақли»²³ деб қайд этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Юқоридагиларга асосан, амалдаги ЖПКга²⁴ кўра дастлабки эшитув натижаларига кўра, «судья томонидан қуйидаги ажримлардан бири қабул қилинади ёки рад этилади:

- 1) жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида;
- 2) жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида;

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон.

3) *жиноят ишлари айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш ҳақида;*

4) *жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратиш ҳақида;*

5) *номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида»²⁵.*

Бундай ажримлар бир-биридан ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мазмунини бўйича асосий ва мустақил аҳамиятга эга.

Бизга ҳуқуқни қўллаш амалиётидан маълумки, тарафлар бир вақтнинг ўзида судга бир нечта мазмундаги илтимосномалар киритиши мумкин. Амалдаги жиноят процессуал қонунчиликда бунга чеклов қўйилмаган. Судья дастлабки эшитувни ўтказиш натижалари бўйича бир вақтда «жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратиш ҳамда далилларни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим»²⁶ чиқариши мумкин.

Қарашимизча, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 405¹⁴-моддаси биринчи қисмидаги «Судья дастлабки эшитувни ўтказиш натижалари бўйича қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради»²⁷ деган қонун «Судья дастлабки эшитувни ўтказиш натижалари бўйича қўйидаги ажримлардан бирини ёки дастлабки эшитув бўйича бир нечта илтимосномалар натижаларини битта ажримда акс эттириш орқали чиқаради» деб қайд этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // [Электрон ресурс], қаралган вақти 16.03.2025 й. <https://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон ресурс], қаралган вақти 20.10.2024 й. <https://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 675-сонли қонуни. [электрон ресурс], қаралган вақти 13.03.2024 й. <http://lex.uz/acts/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. [Электрон ресурс], қаралган вақти 23.12.2023 й. <https://www.lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори. [Электрон ресурс], қаралган вақти 28.02.2024 й. <https://www.lex.uz>

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. <https://www.lex.uz/docs/111460>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 16.01.2023 й, ПФ-11. [электрон ресурс], қаралган вақти 22.07.2024 й. <http://lex.uz/acts/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони. [Электрон ресурс], қаралган вақти 29.05.2024 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.05.2022 йилдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори. [электрон ресурс], қаралган вақти 03.03.2024 й. <http://lex.uz/acts/>

II. Монография, илмий мақола, илмий иш ва тўпламлар

1. Д.Г.Дик. “Соотношение познания и доказывания на предварительном слушании по уголовным делам” России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2011. - С. 55/258
2. Д.М.Миразов. “Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари”. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2016 йил, 92-93 бетлар.
3. Д.С.Довудова “PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT”. International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.
4. Довудова Дилзода Сулаймановна. “Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари”. Юридик фанлар доктор (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. 2024 й, Б-93.
5. Долгих Татьяна Николаевна, “Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве России”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2007 г, 50 ст/213.
6. Дудко Н.А. Производство по уголовным делам, рассматриваемым судом с участием присяжных заседателей: предварительное слушание. Барнаул, 2003. С.84
7. Ковтун Н.Н., Юнусов А.А. Полномочия судьи в стадии назначения судебного заседания существенно “подкорректированы” разъяснениями Пленума // Российский судья. - 2004. - № 9. – С. 10-18.
8. М.А.Верещагина. «Процессуальный порядок признания доказательств недопустимыми в ходе предварительного слушания». России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2008. - С. 227.
9. М.З.Раджапова. “Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида

прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган ДИССЕРТАЦИЯ. Тошент, 2023 й. 283 б.

10. П.Л.Ишимов. “Процессуальный порядок подготовки уголовного дела к судебному разбирательству” Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. ИЖЕВСК – 2005. Ст 39.
11. С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018 ., -289 ст.
12. Шодиев Ғулом Махамматович. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати”. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2010 йил, 145 б.